



O'ZBEKISTON

OVOZI

IJTIMOIIY-
SIYOSII
GAZETA



■ 2004-YIL ■ 5-AVGUST ■ PAYSANBA ■ 91 (27.266) ■ uzbovozi@sarkor.uz ■ 1918-yil 21-iyundan chiqqa boshlagan.



ТАЭКВОНДОЧИЛАР ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИДА

Малайзия пойтахти Куала-Лумпурда таэквондо (ITF) бўйича XIII жаҳон чемпионати поёнига етди. Фахрийлар, ёшлар ўртасида уюштирилган мазкур мусобақада дунёнинг қирқ уч давлатидан спортчилар қатнашди. Унда умумжамоа ҳисобидан битта олтин, тўққизта кумуш ҳамда олтинта бронза медалига сазовор бўлган Ўзбекистон терма жамоаси фахрли иккинчи ўринни эгаллади.

бидан битта олтин, тўққизта кумуш ҳамда олтинта бронза медалига сазовор бўлган Ўзбекистон терма жамоаси фахрли иккинчи ўринни эгаллади.

4-бет

Суратда: жаҳон чемпионати иштирокчиларидан бир гуруҳи.



Яна саноқли кунлардан сўнг, аниқроғи, 13 август кунини Грецияда XXVIII ёзги Олимпияда ўйинлари бошланади. Унда дунёнинг икки юздан ортиқ давлати спортчилари голиблик учун кураш олиб бориши кутилмоқда. Ер қурагининг энг нуфузли мусобақаси саналган мазкур баҳсларда олтин этти нафар спортчимиз Ўзбекистон шарафини ҳимоя қилади.

АРСЛОН ЎТАР...

Шоҳмот султони Рустам ҚОСИМЖОНОВга

Юз йил сувсиз қолган тупроқ ҳам ҳатто,
Майса гул беради қадим илздан.
Аждод қони бўлса, авлодда илло,
Арслон ўтар бир кун, арслон изидан.

Беш аср аввали, Темурдек султон,
Дунёни ярмини олган ҳарб билан.
Сен оламини олдинг букун, укажон,
Чақмоқ ақа билан, оташ қалб билан.

Сенда, Чингизни ҳам мот айлаб кетган,
Қайтмас Мангуберди шиддатин кўрдим.
Сенда юлдузларни болам, — деб ўтган,
Улдуғбекдай шоҳнинг талъатин кўрдим.


Хур юрт осмонда баланд ёз қанот,
Оллоҳ паноҳиндир, Юртбошиқ қақон,
Бошинда ўн икки юлдузли байроқ,
Дуогўй халқинг ёр, Рустам Қосимжон.

Азалдан ўзинга бек эдинг, элим,
Азалдан тож кийган Соҳибқиронсан.
Машриқ ҳам пойинга бош урган қадим,
Мағриб ҳам тан олган Ўзбекистонсан.

Яна нима дейин, дунда қўлим,
Худойим ёр бўлмай, ақл-идрокка.
Сен эса Рустамдай ўли бор элим,
Тақиб қўй яна бир юлдуз байроққа!.

Шамсиддин САДОЙИ

ОЛИМПИАДАЧИЛАРИМИЗ АФИНАГА ЖўНАБ КЕТИШДИ



Тақвимга кўра, Олимпияда ўйинлари дастуридан жой олган спортнинг дзюдо ва сузши турлари бўйича мусобақаларга биринчи бўлиб старт берилди. Шу боис, иқлимга мослашиш, масъулиятли баҳсларга пухта ҳозирлик қилиш мақсадида сешанба кунини дзюдо ва сузши бўйича Ўзбекистон терма жамоалари Афинага жўнаб кетди. Тошкент халқаро аэропортида спорт делегациямизни тантанали кузатиш маросими бўлди.

беш нафар дзюдочимиз гиламга чиқади, — дейди биз билан суҳбатда терма жамоа бош мураббийи, Атланта олимпиадаси совриндори Армен Багдасаров. — Йигитларимизнинг руҳи тетик, кайфияти кўтаринки. Уларнинг барчаси фақат совринли ўринлар учун баҳс юритишга шай. Бу муҳим мусобақа олтидан юқори савияда тайёргарлик кўришимиз учун ҳукуратимиз барча шарт-шароитларни муҳайё этиб берди. Айниқса, мамлакатимиз Президенти Ислам Каримов-

нинг «Ўзбекистон Республикаси спортчиларининг Афина шаҳри (Греция)да ўтказилган 2004 йилги XXVIII ёзги олимпиада ўйинларида муносиб иштирок этишини таъминлаш тўғрисида»ги қарори спортчиларимиз руҳини кўтариб юборди. Ишонманки, ушбу қарорга жавобан дзюдочиларимиз Грециядан Олимпия медаллари билан қайтишади. Афинага йўл олган дастлабки делегациямиз йигирма тўрт кишидан иборат бўлиб, уларнинг йигирма бир нафари

спортчилардир. — Илк маротаба Сидней олимпиадасида юртимиз шарафини ҳимоя қилганим, — дейди сузувчи Саида Исқандарова. — Дастлабки мусобақа мен учун маҳорат мактаби вазифининг ўтаганлиги, шубҳасиз. Ўтган тўрт йил давомида қатор халқаро мусобақаларда иштирок этиб янада тажрибамни оширдим. Осиде чемпионати ҳамда XIV Осиде чемпионати Афина олимпиадасида фақат медаллар учун кураш олиб бо-

ришга ундайди. Қолаверса, мамлакатимизда спортни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар, биз спортчиларга кўрсатилган чексиз ғамхўрликларга ўзимнинг юксак натижаларим билан амалий жавоб беришга ҳаракат қиламан.

Эркин ХОЛВОБО

Суратларда: спорт делегациямизни кузатиш маросимидан лавҳалар.
Шавакат АҚРАМОВ олган суратлар

Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти қошидаги «Парламент журналистикаси клуби»да йил охирида бўлажак сайловлар, уни матбуотда ёритиш масалалари, сайлов қончилиги оид турли семинар-тренинглар ўтказилмоқда. Клубда мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган

Ўзбекистон Халқ демократик партияси ҳаётидан

СЕМИНАР-ТРЕНИНГ ЎТКАЗИЛДИ

бешта сиёсий партия раҳбарлари билан учрашувлар режалаштирилган. Шундай учрашувларнинг биринчиси Ўзбекистон Халқ демократик партияси

вакиллари билан бўлиб ўтди. Унда партия Марказий Кенгаши биринчи котиби Аслиддин Рустамов, «Ўзбекистон овози» ва «Голос Ўзбекистана» газе-

талари Бош мухбарлари Сафар Остонов, МК матбуот котиби Носир Тоиров иштирок этдилар. Партия раҳбари партиянинг Дастури, ХДП Сайло-

волди дастурига киритилиши режалаштирилаётган масалалар ҳусусида қисқача гапириб берганидан сўнг қизгин савол-жавоблар бошланди. Ўзбекистон Халқ демократик партияси вакиллари уларнинг барчасига батафсил жавоб бердилар. (Ўз мухбиримиз)

ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ
XALQ BANKI

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
MULKIDORGA HANKORI
Tel: 132-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74
WWW.tshbmn.uz E-mail: info@tshbmn.uz va Birja@mail.tps.uz

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT
XALQARO AEROPORTI

ALOQABANK — aniq, tez, ishonchli!
Tel: 137-23-98, 137-10-20, 134-75-57; Faks: 136-76-22
WWW.aloqabank.uz E-mail: info@aloqabank.uz

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ЙИГИЛИШ

4 август кунини Оқсаройда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ҳузуринда йиғилиш бўлиб ўтди. Унда тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари иштирок этди. Йиғилишда келгуси йил-

нинг иқтисодий стратегияси, солиқ ва давлат бюджет сиёсати концепцияси ҳамда 2005 йилнинг асосий макроеқтисодий кўрсаткичлари ва давлат бюджетни лойиҳаси муҳокама қилинди. (ЎзА)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори 2004 ЙИЛ 28-29 АВГУСТ ШАНБА ВА ЯҚШАНБА ДАМ ОЛИШ КУНЛАРИНИ 2004 ЙИЛ 30-31 АВГУСТ ДУШАНБА ВА СЕШАНБАГА КЎЧИРИШ ТЎҒРИСИДА

Мустақиллик байрами муносабати билан ҳамда меҳнаткашларнинг дам олиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва иш вақтидан оқилона фойдаланиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қ а р о р қ и л а д и:
2004 йил 28-29 август шанба ва яқшаанба

дам олиш кунлари 2004 йил 30-31 август душанба ва сешанбага кўчирилсин.
Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И.КАРИМОВ
Тошкент шаҳри,
2004 йил 3 август

ЎЗБЕКISTON ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ СИЁСИЙ ИЖРОИЯ ҚЎМИТАСИНING БАЁНОТИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Сиёсий ижроия қўмитаси 30 июль кунини Тошкент шаҳрида содир этилган ва мамлакатимиздаги барқарорликка ҳавф туғдирадиган террористик ҳаракатларни қатъий қоралайди. Дипломатик ваколатхоналар ва тинч аҳоли ҳаётига қўйилган таъжуб — бу ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайдиган қонунга хилоф ҳаракатлардир.

Биз тинчлик ва ҳавфсизликни мустақамлаш йўлида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов бошчилигида мамлакат раҳбарияти томонидан амалга оширилаётган тадбирларни тўла-тўқис маъқуллаймиз ва қўллаб-қувватлаймиз. Биз терроризм ва диний экстремизмнинг ҳар қандай кўринишларига қатъий қаршимиз. Ҳеч қим ва ҳеч нарса халқимизга келажак буюк Ўзбекистонни қуришдек улғувор ишга тўсиқ бўлолмайди!

2004 йил 5 август

ҚАЙ БИРИ МУҲИМ: СОНМИ, СИФАТ?

лик муҳофазаси назардан четда қолаётти. Юртбошимиз Ислам Каримов таъкидлаганидек, хотин-қизларнинг яшаш ва ишлаш тарзини яхшилаш барчанинг мақсадига, вазифасига айланмоғи даркор. Бундан партиямиз асло кўз юммаслиги керак.

майди, дейсиз? Яна бир муҳим жиҳат, бу — тиббий хизмат, касалхоналар, дори-дармонлар муаммосидир. Ёки бугунги экологик вазият, табиат тенглигининг бузиллиши, Орол муаммоси кимни ташвишга соймайди, дейсиз? Худди шу ва шунга ўхшаш муаммоларда биз ҳукуматимизга, маҳаллий ҳокимиятларга камрабаста бўлмоғимиз шарт. Кишлоқ кутубхоналари, ҳаммомлари, врачлик пунктлари иши ҳам диққат-эътиборимизда бўлмоғи даркор. Айниқса олиқ Кўзилкум кенгликларидан, Томди, Учқудук, Нурота, Қонимех тарафларда бу янада муҳим аҳамият касб этади. Вилоят партия кенгашига, унинг жойлардаги ташкилотларига эътирозим, бу — ХДПни тарбиёт-таътиривот қилувчи плакат ва кўргазмаларнинг мутлақо кўзга ташланмаётганидир. Нима, «ХДП — сиёсий партиянгиз», «ХДП чинакам Халқ партияси», деб ёзиб қўймоқ, шу каби сўзлардан катта панно, кўргазма тахталар яратмоқ шунчалик мушкулми?!

Нарзулла ТИЛЛОВ, Навбахор тумани «Навбахор тонги» газетаси бош муҳаррири:
— Партиямиз сафарларида шу партияга содиқ, жонқур аъзолар, шу партияга эртасини деганлар жуда кўп. Бу — қувонарли ҳол, албатта. Бирок гуруч қурмаксиз бўлмаганидек, орамизда қайсибир бир «манзил»ни кўзлаб, кириб қолганлар бор. Бугун орамизга шошилиб кириб, эрта сайловларда ўз номзодимни қўлдан, деб юрган қўштаринок ичиди партия аъзолари қаттиқ янгилашади. Чунки, олдинги сайловлар биз учун аччиқ сабоқдир, энди хатолар такрорланмайди.

Хуллас, ўз-ўзини танқид, ошқоралик тарзида ўтган вилоят партия тарихини III конференцияси ўз иш тартиби, яқинида кўра қоникларидан, деб топилади ва ЎзХДПнинг бўлажак IV қурултойига делегатлар сайланади. Анжуманда, шунингдек, Марказий Кенгаш тарихига ва Марказий Тафтиш Комиссияси тарихига ҳам вакиллар сайланади.

Аслиддин РУСТАМОВ, ЎзХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби:
— Тўғриси, бу сиёсий анжуманга келаятганда бу каби ошқора мулоқотларга, шиддатли мунозараларга дуч келаман, деб уйламаган эдим. Конференция ишини кузатиб шундай хулосага келдимки, Навойи вилотида Халқ демократик партиясининг жонқурлари кўп экан. Бу кун билан биз эртани демократик тамойилларга асосланган янги сайловларга дадил кириша оламиз ва муваффақиятларга эришамиз. Зеро, делегатлар фаоллигини кўришимиз турibdiki, саноатчилар, кимёгарлар, қончилар, нуричлар, азамат қоракўччилар, захматкаш пахтакорлар яшаб, меҳнат қилаётган Навойида ХДП ўз нуфузи ва обрўсига эга. Демак, ишласа, янгилик яратса, ташаббус билан майдонга чиқса бўлади. Биз ўз-ўзини танқидни, аччиқ ва очик гапни юзга айтишни шир қилиб олсак, жуда узоққа борамиз. Биз қўзлаган мақсад, вазифа мураккаб. Бунга фақат

Худди шу кунини вилоят партия тарихининг I ташкилий пленуми ҳам бўлиб ўтди. Уни Марказий Кенгаш биринчи котиби Аслиддин Рустамов бошқарди. Вилоят партия кенгаши биринчи котиблигига Рустам Ботиров, иккинчи котибликка эса Улғубек Музаффер сайланди.
Музаффар ШАРОПОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

ЎЗБЕКISTON — АҚШ: МУНОСАБАТЛАР БОСҚИЧИ

Хатто Бухорони شوху амирлар ҳам ташлаб қочган вақтлар бўлган, лекин оддий меҳнаткаш халқ Бухорони ҳеч қачон ташлаб кетмаган.

Конхур Чингизхон Бухорони забт этган, унинг аҳолисини ваҳший лашкарнинг олдига солиб бошқа шаҳарларни (Самарқандни) қўлга киритиш учун хайдаган. Бухоро тарихидан ҳикоя қилувчи бундай дахшатли воқеалар Абдурауф Фитрат асарларида, айниқса, унинг «Абул-файзон» трагедиясида, Комил Яшиннинг «Бухоро» драмасида узининг бадиий ифодасини тошган.

Утан ХХ асрда ҳам Бухоронинг бошидан кўп қонли воқеалар ўтди. 1910 йилги Бухоро воқеаси номи билан тарихда қолган амирликка қарши халқ қўзғолони, кейинчалик жадидлар ва «Еш бухороликлар» ҳаракати. Булар шафқатсизларча чор Россияси армияси ёрдамида бостирилди, унинг раҳбарлари зиндонларга ташланган, қатл қилинди, шу жумладан, Ўзбекистоннинг айтилиши 75 дарра билан жазоланди. У асосий умрини Самарқандда яшаб ўтказди. Устаоз Айниқ ўзбек ва тожик тилларида ижод қилиб, ундан халқимиз тарихини бадиий акс эттирган «Куллар», «Дохунда», «Судхурнинг ўлими», «Эсдалликлар» каби аjoyиб асарлар қолди. У ҳазрат Навоийнинг «Хамса»сини насрий йўлда халқимизга баён қилиб берган улуг адибдир.

Илм ва санъат намоянададори ҳам қўлга еттишди. Ана шундайлардан бири аллома файласуф Иброҳим

Мўминовдир. У Мирзо Бедил фалсафий қарашларидан тортиб, Амир Темурнинг Урта Осиё ва жаҳондаги тарихий ўрни ҳақида бор ҳақиқатни айта олди. Мустабид давр шундай олимни, ҳам «ур калтак, сур калтак» қилди.

Бир вақтлар Самарқанд ва Бухоро, Ўшда мадрасалар қурдирган буюк мунажжим Мирзо Улугбек Бухородаги мадрасаси пештоқига «Илм оломққа интилиш ҳар бир муслим ва муслима учун қарз ва фарзидир» деган ҳадиси нақш эттирган эди. Шўро олимлари бу ҳадисни Улугбекнинг ўз сўзлари деб таққин қилдилар, чунки бу ҳақиқатни айтиш ҳикмати билан Мухаммад пайғамбар ҳадисларидан деб айтиш ўлим билан баробар эди. «Ҳадис» деган сўзнинг ўзини айтиш амри маҳол эди.

Ана шундай мадраса, масжид, миноралари яратган халқ даҳолари Бухоронинг шон-шавкатини бутун дунёга машҳур қилди. Шундай усталардан Уста Ширин Муродовдир. У Бухоро амирининг оромгоҳи Ситораи Моҳи Хоссаини бешазада кейинчалик Тошкентдаги муҳташам Алишер Навоий номида Академик катта опера ва балет театри биносининг яратилишида ҳам фаол иштирок этди. Амир Темир ҳибобни қолдиради «Тошкент куранти» минораси ҳам Уста Ширин ижодида.

Бухородан ўзбек санъатининг буюк вакиллари Олим Хўжаев, Раззоқ Хамроев, Асад Исматов, Мутал Бурхоноев, Мухтор Ашрафийлар ва улар-

нинг издошлари етишиб чиқдилар.

Тожик ёзувчиси Жалол Икромий ҳам асли бухоролик, унинг «Олов қизи», «Бухоронинг ўн икки дарвозаси» асарларини ўзбек китобхонлари ҳам севиб ўқиган.

Истиқлол йилларида Бухороянада гуллаб-яшнади, бемалол айтиш мумкинки, Бухоро ҳаётга қайтадан келгандек бўлди. Бу ердаги азиз-авлиёлар зиёратгоҳлари ободонлаштирилди, қайта таъмирдан чиқарилди. Олийгоҳ, коллеж, турар жой, ўйингоҳ, кўчалар қурилиш-кузёвчаслар.

Бугунги Бухоро — Истиқлол Бухороси. Президентимизнинг 1998 йилги Бухоро шаҳрининг 2500 йиллигига бағишланган тантанавда қуйидаги сўзларни айтганда мулоқ ҳақ эди: «**Бухоро нафақат юртимиз, балки бутун Шарқнинг илм маркази бўлиб келган Имом ал-Бухорий, Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино, Мир Қуллол, Бобон Самосий, Махмуд Фанавий, Ахмад Доғиш, Абдурауф Фитрат, Файзулла Хўжаев ва бошқа шу каби буюк зотлар етишиб чиққан, тахсил олган бу макон бундан бунён ҳам илму фан, маърифат ва ижод бешиги бўлиб қолаверди.**»

Мустанкилл йилларида қадим Бухоро ҳуснига янада ҳусн қўшилиди. Тарихий обидалар қайта таъмирдан чиқарилди. Баҳордиги Нақшбанд зиёратгоҳи Бухорога қадим ранжида қилдирилган ҳар бир мусулмон учун давлат раҳбарини, оддий кишини, барча учун

муқаддас жой ҳисобланади. Чунки, Нақшбандия таълимоти ва унинг тарафдорлари ҳеч қачон Аллоҳни унутмасдан ҳунарни, илм-фани улуғлаб, халол пешона тери билан меҳнат қилиб умр кечирди тарбия қилганлар. Шунинг учун ҳам Нақшбандия таълимоти — ҳаётбахш ғоялари ўлмасдир. 1993 йили республикамизда Баҳордиги Нақшбанднинг 675 йиллиги эълан қилинди. Ўшдан бу ҳақда эса буюк аллома Хожа Абдулоҳлиқ Ўшаниёвнинг хотирасига улкан ёшорил мажмуаси бўлиб эъланди. Ушбу қўлтуғ кўнрағи етказган Тангри таолога минг-минг шўрлар қиламиз. Улуг аждодларимиз барҳаёт руҳлари қошида боз эгиб, авлодларимиз бахт-саодати, злу футуригимиз шон-шавкати йўлда фидойи бўлсак, не бахт!

Бугун Тошўлат Ҳамиду Аҳад Ҳасан, Неймат Аминову Тошўлат Аҳмад, Комил Муҳимов, Охунжон Сафаров, Садриддин Салим Бухорий, Шамсиддин Саодий ва Нарзулла Жўраевлар каби шойро олимлар, фозилу фузалорлар, меҳнаткаш, фидойи инсонлар буюк аждодларини издан қилиб, Бухоро шарифини янада обод ва фаровон этмокдалар.

Бухоро — шарифлар шаҳри! Бу қўлтуғ маъвода турилган ва дунёга дунёга кетган асл одамлар ушунга бағишланган туғайли бунунги Бухородан оламга муқаддас нур таралмоқда.

Борат БОЙКОБИЛОВ,
Ўзбекистон халқ шоири

Инсон ҳаётида фахрланадиган воқеалар, саналар кўп. Улардан бири — киши фуқаролик паспортига эга бўлган қундир. Сирғали туманида йил бошидан бунён 4683 та фуқаро шундай фахрга эга бўлди — уларга Ўзбекистон Республикаси паспортини топширилди.

Тумандаги 1632 та ташкилот ва корхоналарда паспорт режимига амал қилиш аҳоли борасида тегишли ўтказилганда 2294 нафар шахс паспорт тизими қондаларини қўл олди равишда бузиб яшаётганлиги аниқланди. Бундай шахсларнинг аксарияти паспортини ўз вақтида алмаштирмаган ёки вақтинча рўйхатдан ўтмасдан яшаб юрган шахслар бўлиб қолди. Уларга нисбатан 1.601.020 сўм миқдорда жарима қўйилди.

Фуқаролик паспортини юрт дарвозасига қиёлашди. Дарвоқе, дарвоза муқаддас тушулганча. Ундан қим қираётганлиги, қим чиқаяётганлиги доимо назорат бўлса, ўша ерда риқ-рўз, барак, тинчлик ва хотиржамлик бўлади.

Суратда: Сирғали тумани ИИБ хорижга чиқиш, келиш ва фуқаролик ишлари бўлими бошлиғи Азиз Соатов фуқаро Камолддин Ҳайдаровга паспорт топширмоқда.

Шавкат АКРАМОВ олган сурат

ФАҲР, ИФТИХОР ВА ҒУРУР РАМЗИ



Биз билган ва билмаган тарих

Радио кашф этилиб, овоз бир масофадан иккинчисига етказилган бўлган, олимлар тасвири ҳам узатиш буйича изланишлар бошлашди. Бу жараён йигирманча асрда, айниқса, кенг тус олди. Натихада икки йўналиш пайдо бўлди. Биринчисининг вакиллари механик, иккинчисиники эса электрон телевидение устида боз қотиришди. Механик телевидение тасвири ўртаси тешик, айланма тўрвучи бир неча диск ёрдамида узатиш принципи асосланган. Гарчанд дисклар экранга «йўллаётган» тасвир хира бўлса-да, уларнинг ҳаракатланувчи объект тасвири узатишга «тиши» ўтмаса-да, кўп жихатдан нуқулай ҳамда катта ҳажат талаб этса-да (дафтар варағидай тасвирни бир масофадан иккинчисига етказиш учун айланса бир метрдан зиёд ўнлаб дисклар керак эди), негадир унинг тарафдорлари сони тобора кўпаярди.

Электрон телевидение яратди ғосини эса биринчилардан бўлиб Ленинград (ҳозирги Санкт-Петербург)лик машҳур физик Борис Розинг назарий жиҳатдан асослаб берди. 1911 йилда у ана шу телевидениенинг узатиш ҳисобламасини электрон-нур трубкасини яратиб, бир неча марта синовдан ўтказди. Аммо ҳеч қандай натижага эриша олмади...

Уша кезлари Тошкент шахар трамвай бошқармасининг электриги бўлиб ишлаётган, мўйлаби энди сабаза ура бошлаган Борис Грабовский ҳам тасвири бир масофадан иккинчисига узатиш ғосини билан қизиқиб, дастлаб Урта Осиё давлат университетининг физика факультетида бир неча маъруза тинглади, бундан кейин физика лабораториясида ўтказиладиган бўлди. Қўнларнинг бирида Борис Розингнинг мақолалари билан танишиб чиққан, у ҳам электрон телевидение энг истиқбол-

ли деган катъий қарорга келиб, ана шу йўналиш буйича изланишлар бошлади. Бу ишини Саратовда — индустриал техникумида ўқишга кирган ҳам давом эттирди.

Унга Николай Пискунов билан Витор Попов деган икки муҳандис қўмақлашди. 1925 йилда улар Ленинградга бориб, профессор Розинг билан танишди. Борис Грабовский ясаган узатиш ускунаси — «Телефот-

шартомани хатто бир кўнга ҳам узатиришга қўнмағач, ихтирочиларнинг ҳарфасали пир бўлди, айниқса, Пискунов билан Поповнинг. Улар ўша кунёк Саратовга ўйнаб кетишди. Грабовский эса техникумдаги ўқиниши ҳам йиғиштириб қўйиб, Тошкентга қайтади-да, тушунлиққа тушмай, ўз ишларини кўтарики бир қайғидатда давом эттирди. Бу ишга тенгдоши — муҳандис Иван Белян-

сид) ясалди.

Ва нихоят 1928 йилнинг 26 июлида «Телефот»нинг илк ускуна бўлиб ўтди. Унинг узатувчи мосламаси Урта Осиё алоқа округининг бош биносига, қабул қилиш мосламаси эса йигирма метр нарида — алоқа округи бошқармасининг ховлига ўрнатилган (Урта Осиё университетининг профессори Элатовскийнинг снов комиссиясининг раиси этиб тайинланган). Узатма ёнда Грабовский, Белянский ҳамда снов комис-

вокиф этди. Бир ҳафталардан сўнг Грабовский билан Белянский Москвага — махсус комиссия синовиға қақиршади (улар билан бирга Грабовскийнинг хотини Лидия ҳам боради). Аммо, минг афсускис...

Ноқуш бир воқеа, тўғирогги, фожиа рўй берди... Москвага келишгач, поезднинг юк вагонига юкланган «Телефот» жойлашган яшиқларни очиб қараша, барча мосламалари чил-парчин бўлиб ётарди. Узларни туғулмай йиғлаб юбори-

Ўзини зўрга қўлга олган Борис Грабовский туғила-туғила «Телефот», унинг иш принциплари, Тошкентда ўтказилган синов натижалари ҳақида сўзлагани эди. Сўнг Белянский иккови ҳужжатлару чизмаларга изох беришди, комиссия аъзоларининг бири иккинчисидан-да илмоқли саволларига баҳоли қудрат жавоб қайтаришди.

— Бизни зарарча ҳам ишонтира олмадиларинг. Кечқурунги поездда Тошкентга қайтиб кетинглр. Сизларга яна битта ри касодга учарди-да.

Ташиниларга кўра, «Телефот»ни ўша ғаламислар яширича синадиртириб юборишган бўлиши мумкин. Бу ҳам етмаганидек, улар ўшбу ихтирога тааллуқли барча ҳужжатлару чизмаларини гўмон қилишмоқчи бўлишган. Чунки ихтирочилар хонадан чиқиб кетаётганда қимдир эшикни тўсиб, балки сизларни яна қақиртирмай, деб қўл чўзаётганда, Иван Белянский уни итариб юбориб, папкаларни маҳкам ушлаганча,

саккизтасини эса қайтаришди. Орадан ҳеч қачна вақт ўтмай, механик телевидениенинг бесамарлигини аниқлаган олимлар (дунё миқёсида) ундан буткул воз кечишди. Бутун куч электрон телевидениега берилди. Ва бир неча йилдан сўнг 1928 йилда Тошкентда қилинган ихтиро «кашф» этилади. Шу орада америкалик ёзувчи Митчелл Уилсоннинг «Ичим меннинг, душманим меннинг» деган романи нашр қилинади. Унда электрон телевидение биринчи бўлиб АҚШда кашф этилганлиги таъкидланади. Бундан ҳабар топишган Грабовский билан Белянскийларга шундай алам қиладики, охири улар «Телефот»нинг яратилиши, унинг илк қадамларига оид бор ҳужжатларни илова қилиб, УИПРЕ — Радио-техника бўлима Халқаро матбуот уюшмасига бир неча хат йўллаб, телевидение Американида эмас, Тошкентда ихтиро қилинганлиги алоҳида таъкидлашади. Жавоб уч йилдан сўнг келди: УИПРЕ президенти Е.Айсбергнинг расмий хатига 1928 йилда Борис Грабовский ва Иван Белянский электрон телевидениега дунёда биринчи бўлиб асос солишганини таъкидлаб билан ўрганиб чиқилган тарихий фактлару ҳужжатлар ёрдамида ўз тасдиғини тоғгани таъкидланган. Шунингдек, хатта УИПРЕнинг ана шу ҳақидаги «Гувоҳнома» ҳам қўшиб юборилган!

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган буюк илм-техника фақирини 1963 йилнинг 25 декабрида (Совет ССРСРнинг Электроника бўлима Давлат комитети «Телевидение ихтиросини» деган патент берди... Хулоса, қилиб айтганда, Тошкентнинг телевидение ватани экани жаҳон миқёсида таъкидланади!

Шунингдек, энди ўшбу факт дунёдаги барча мамлакатлар қомуси, телевидениега бағишланган рисолаларида ҳам ўз аксини топади.

Анвар ЖўРАБОВ

БИР ИХТИРО ҚИСМАТИ

ЁХУД ТЕЛЕВИДЕНИЕ 1928 ЙИЛНИНГ 26 ИЮЛИДА ТОШКЕНТДА КАШФ ҚИЛИНГАНДИ. АММО...

ни кўрсатишди. Профессор ўшбу мосламага юқори баҳо бериш билан бир қаторда, уни тағин-да мукамаллаштиришда ёрдамлашди. Ушбу ускунага электрон-нур трубкасини керак эди. Уни қўлда тайёрлашнинг имкони бўлмагани учун, Розинг шахардаги «Светлана» заводига мурожаат қилди. «Гап шундай, — дейди корхона директори, — Уч ойга шартнома тузимиз. Тўртинчи билан ҳам. Жуда яқши маош тўлаймиз, қандай мослама зарур бўлса, текинга тайёрлаб берамиз. Лекин сизлар шу муддат ичида бизга биринчи телевизорни етказиб беришарлар. Биз уни омавий тайёрлашга киришиб, савдо корхоналарига чиқарамиз...»

Шартнома тузилди. Ихтирочилар уч ой давомда кечяо қундуз, дам олиш нималигини билмай тер тўкишса-да, шартномадаги режани бажара олишмади. «Уртоқ директор, яна бир-икки ой муҳлат беринг, албатта, тайёрлаймиз. Аслида эса бунга уч-тўрт ой ў ёқда турсин, хатто уч-тўрт йил ҳам етмайди», — дейди Розинг. Директор

кийни жалб қилади. Борсининг хотини Лидия ҳам уларнинг сафдошига айланади. Улар «Телефот»нинг янги, янада мукамал нусхасини яратишга киришади. Грабовскийнинг Шайхон-тоҳурдаги мўъжазгина уйи ўзига хос физика лабораториясига айлантирилади.

«Телефот»нинг нозик ва мураккаб қисмларини тайёрлаш учун анча пул зарур бўлгани боис, Иван Белянский Йўлдош Охунбоевнинг қабулида бўлиб, қўмақ сўрайди. Ўзбекистон ҳукумати уларга керакли миқдорда маблағ ажратди, шарт-шароитлар яратди. Тошкент заводлари, Урта Осиё давлат университети физика лабораториясини ҳамда Урта Осиё алоқа округининг мутахассислари турли-туман деталлар тайёрлашди. Шунингдек, Тошкент трамвай бошқармасининг қатор конструктор ҳамда муҳандис-электрикларини уларга бевосита ёрдам беришди. Ҳукумат томонидан ажратилган маблағ эвазига Ленинграддаги «Светлана» заводига «Телефот» учун махсус электрон-трубка (Борис Грабовскийнинг чизмалари асо-

сиясининг икки аъзоси, қабул қилиш мосламаси янги эса комиссия раиси ҳамда комиссиянинг уч нафар аъзоси туришди. Белгилашган вақт: кундузи соат ўн иккида экран — электрон трубкада узатма объектини қаршида турган Белянскийнинг тасвири пайдо бўлади. Сўнг унинг ҳаракатлари аниқ кўринади (Иван Фуржаксини уч-тўрт марта ечиб-қияди, бошини ўнгу сўлга бурди, ўн қўлини кўтарибди). Шу тариқа телевидение туғилди!

Орадан бир неча кун ўтгач, анкироғи, 1928 йилнинг 4 августда Тошкентда туғилган илк телерепортж уюштирилди (бунинг учун буйи ўн саккиз метри телеантенна ясалган). «Зангоғи экранда» шаҳарнинг хозирги Сайилгоҳ қўнчасидан ўтаётган йўлловчилар, сўнг сал наридан келаятган трамвай намоён бўлди (айтгандай, ўшбу телерепортж ўзбек ҳужжатли киночилари томонидан тасвирга туширилган).

Ўзбекистон ҳукумати ихтирочиларни унда галаба билан қўлаб, Тошкентда ўтказилган бу оламшумул воқеадан Москван

ида...

Москвага, хатто, дарз кетиши мумкин эмас, чунки уларни ихтирочиларнинг ўзлари юшмоқ матолағга ўраб, ўта эҳтиёткорлик билан жойлаштиришган, яшиқларни вагонга юклашяётганни ҳам назорат қилишган, вагондаги масъул ходимларга бу юк махсус ва ўта нозик, унга кўз-қўлоқ бўлиб туриш лозимлигини бот-бот тайинлашган. Унда нега? Бу саволга ҳеч қандай жавоб йўқ эди... Комиссия йиғилиши эса уч соатдан кейин бошланади. Мехмонхонага жойлашмишгач, олтига папкага солинган барча ҳужжатлару, чизмаларни олишиб, синов ўтадиган манзилга боришади.

Грабовский гапни «Телефот» йўлда чил-парчин бўлганини, бунинг сирли жумбоқлигини алоҳида таъкидлайди. «Бўлар иш бўпти, сабабини суриштириш билан, нима, мосламаларинг қайта тикланармиди? — дея унинг гапини бўлади комиссия аъзоларидан бири. — Сизлар бизга синовиға келдилингизми ёки дийдунга?»

маслаҳатимиз: эндиликда телевидение кашфиёти эмас, балки лавқатларингга мос бошқа бир иш билан шугуллангилар. Ҳа, шунинг билан қўйингларики, келажак электрон эмас, механик телевидениеники бўлади! — дейишди уларга.

Ушанда телевидение буйича изланишлар олиб боришяётган ҳар икки йўналиш вакиллари ўртасида (нафақат қизил салтанатда) қаттиқ жанг кетарди. Ва бу жангда механик телевидение тарафдорларининг қўли банд бўлиб, улар қўлчиларни ташкил этар, боз устига, асарини энг нуфузли жойларда ишларди. Сабаби, ҳукумат уларга миллионлаб пул ажратган, бундан ташқари, қизил салтанатнинг Ленинград, Одесса, Киев, Томск, Новгород каби шаҳарларда диски узатма ўрнатилган телестанциялар қурилган, яна ўнлаб шаҳарларда шундай станциялар қурилатган. Лекин шуниси қўлуги эндики, дисклар ҳаракатини ҳаққ эҳтироҳи узатолмасди... Ва бордию тошкентлик бу икки ихтирочининг йўли очилса, механик телевидение «оталарининг» бозо-

қўчага отилиб, чиқади...

Борис билан Лидия меҳмонхонага етиб келишганда, Иван энг муҳим чизмалару ҳужжатларни папкалардан бир-бир сўраиб олиб, Лидиянинг жамадонига жойларди. У ишини битириб, жамадонни яшириш билан хонага беш-олти киши бошқариб қиради (уларнинг икки нафари комиссия аъзоси эди). Бирини чўнтақдан гувоҳномасини чиқариб, дейди: «Папкаларингиз мусодара қилинган. Мана, манаву жойга имзо чекингилр. Қўрқманглр, қамаямиз. Фақат шарт билан, боя таъкидлангандай, Тошкентда борганларингиз сўнг телевидение борасидаги изланишларни тўхтатасизлар. Ақси бўлса, ўзларингиз ёмон бўлади!...»

Тошкентга келишган, бу ҳўрлигу адолатсизликка чидалмай, Борис Грабовский икки ойдан кўнрақ вақт давомида қал салхонада доволанди (Иван Белянскийни эса харбий хизматга қақиршиди). Тузалиб чиққач, телевидениени мутлақо унутди. Лекин ихтирочиларини ташламайди. Ук иккови ихтироси учун патент беришди, ўттиз

Эътироф

Матбуотда Президентимиз Ислам Каримовнинг машхур кўриқ адиби Чингиз Айтматовга йўллаган мактуби эълон этилди.

Маълум бўлишича, Чингиз Айтматов, Туркиянинг «Гулхона» ҳарбий тиббиёт академиясида операция қилинган. Соғлиги яхшиланган, Бишкекка келиб, жондорда дам оляпти экан.

Киргизистоннинг Тошкентдаги элчионаси ходимларининг эътирофи, Чингиз Айтматовга Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг тез кунларда тўла соғайиб кетиш ҳамда ижодий ва ижтимоий-сиёсий фаолиятга қайтиши тилаги билан ёзилган самимий мактуби киргиз халқи ўртасида чуқур миннатдорчилик ва қониқчилик билан қўби олинган.

ДАВРИМИЗНИНГ МАНАС АДИБИ

бу киргиз халқи ўртасида чуқур миннатдорчилик ва қониқчилик билан қўби олинган. Бу хат ўзбек халқининг бутун киргиз элига эътироми рамизи, Ўзбекистон билан Киргизистон ўртасида қардошлик ва дўстона муносабатларнинг яна бир эътирофи деб қаралмоқда экан.

Киргиз дўстларимиз Президент Каримовнинг Чингиз Айтматовга бундай илқ ва самимий муносабатига аввал ҳам кўп бор ғувоҳ бўлишган. М.Салтан, кўпчилик яхши эслайди — 1995 йили, «Манас» эпосининг минг йиллик тўйи кунлари, тантанали мажлисда нутқ сўзлаётган Ислам Абдуганиевич маъруза матнининг ярамларидида «Азиз дўстлар, «Манас» — тарих, киргиз халқининг жанговар тарихи. Келинлар, биз бу куннинг Манаси ҳақида ҳам гаплашайлик, — дея залга муҳожат қилди. — Мана, сизларнинг ҳузурингизда улғу ёзувчи Чингиз Айтматов ўтирибди. Мен бу кишини ҳозирги давримизнинг Манаси, деб биламан!».

Ушунда йиғилишга тўпланган икки минг киши оёқда туриб, киргиз элининг ардоқли фарзандига бу қадар юксак эътиром кўрсатган Ислам Каримовни оқийлашган эди. Саҳна олдида келиб таъзим қилган Чингиз оғанин кўзларидан эса ёш думалаб кетди. Чунки унинг ижоди ҳақида юзлаб китоблар, минг-минглаб мақолалар босилган эса-да, ҳали ҳеч ким Айтматовга бу қадар лўнда ва юксак таъриф беролган эмасди.

Гап ўз-ўзидан, Чингиз Айтматовнинг Ўзбекистон, ўзбек халқи, ўзбек адабиёти билан алоқаларига бориб тақалади. Қайд қилиш керакки, бу ҳам адиб ижодига хос умумдунёвий кўламининг бир қирраси, аслида, Чингиз Айтматов халқимиз тарихи, маданиятини, бой маънавий меросимизни яхши билади, буюк алломиларимиз билан ҳақли равишда фахрланади. Ўзбеклар диёри, унинг одамларини худди ўз юртидай, ога-инилардай қалқирайди.

Чингиз Айтматов Ўзбекистон ҳақида, халқимизнинг жасоратли меҳнати, ақлу заковати, тарихи ва буюк келажига

тўғрисида ўнлаб мақолалар ёзган. Хусусан, «Пахтанинг ойдин йўли» сарлавҳали машхур мақоласи олти йил ичи йилларга хос меҳнат жасоратини ўзида тўла ифода этганди. Унда гап фақат пахта ҳақида, ўзбеклар уни қойиллатиб экишию, қойиллатиб териб олиши хусусида эмасди. Айтматов катта минбардан туриб, пахта баҳонасида ўзбек диёрига бўлган самимий муҳаббатини, халқимизга, унинг маънавий-ахлоқий қадриятларига ҳурмат-эътиромини изхор қилди.

Ёки бошқа бир мисол. 1990 йили Ўш ва Ўзганда қонли қирқин содир бўлганда Чингиз Айтматов айрим адиблар сингари ўзини четга олмайди. Моҳародан жафо чеккан ҳар икки томоннинг дардига шерк бўлиб улар ёнида турди. Икки туркий қавми тўқнаштириш аслида кимга керак

бўлиб қолганини тушунтирди, радио ва телевидениеда, матбуот саҳифаларида жасоратли чиқишлар қилди. «Биз тарихни қанчалар ўзимизга маъқул томонга буришга уринмайлик, у ҳеч қачон аслидагидан бошқача бўлиб қолмайди, — деб ёзган эди Айтматов «Жаҳаннам узра қаргалар фарёди» мақоласида — ... Миллий низолар шуниси билан кўрқинчилик, ҳар бири тараф одамлар бошдан кечириётган азоб-уқубатларни фақат миллий белгига кўра, ўз йўқотишлари ва даъволарига кўра қабул қилади. Шу билан бирга кўр-кўрона ўч олиш истаги ўз-ўзидан жўш уради, бу бениҳода даҳшатли бир юкумли касаллик — нафрат вабосини урчилади. Нафрат вабо каби урчигандан сўнг худди тоғдан тушган сел оқими янглиг бир зумда асрлар давомида шаклландан ақл-идроқни босиб-янчиб, суриб кетади. Халқнинг фожиаси ана шунда. Шунда қасос олишга интиланган тарафлар ўртасига тушган ҳар ким улар учун ҳам, булар учун ҳам душманга чиқади. Яраштирувчининг фожиаси ҳам ана шунда».

Айтматов гарчи шундай деган, шу сатрларни ёзган бўлса-да, ўзбек адиблари Одил Ёқубов, Пиримқул Қодиревлар билан бирга яраштирувчилик масъулиятини зиммасига олди, ўртадаги низо урчиб кетмаслигига ўз хиссасини қўшди.

Адабиётшунос олим, Чингиз Айтматов ижодининг но-зик тадқиқотчиларидан бири Ғайбулла Саломов «Мен сув ичган дарёлар» китобида Айтматовнинг Ўзбекистонга, ўзбек халқига меҳрию, ўзбекларнинг Чингиз огага бўлган муҳаббатини жуда чиройли тасвирлаган эди: «Дунёда нима кўп, ёзувчи кўп. Зўр, иқтидорли, инсон қалбини ларзага солувчи соҳиб қаламлар ҳам оз эмас. Аммо улар орасида Чингиз Айтматовчалик оқибатлисини, фақат ёзувчи сифатида эмас, балки халқимизнинг дўсту қадрдони сифатида бундай Одамхунини топиш қийин. Бутун марказий матбуот зўр бериб «Ўзбеклар иши» ҳақида оғиз

купиштириб ёзиб турган бир даврда... у «Правда» рўзномасида қайғумизга қайғудош, елкамизга елкадош, бағримизга бағирдош бўлиб, жумхуриятимиз, унинг меҳнаткаш одамлари ҳақида бор ҳақиқатини айтишга журъат этди... Юз йиллар ўтар, ўзбек халқи Чингиз Айтматовнинг бундай гурур, таскин ва ҳамдардлик билан айтган ҳалим сўзларини унутмайди. Унутолмайди. Дорилмомон кунларда нима кўп, ҳар хил дўст, ога, қардош, биродар кўп. Бирок айтдилар-ку «мол дўстин бошқа, ҳор дўстин бошқа» деб... Чингиз — ўзбек халқининг жон дўсти».

Чингиз оғанин халқимизга бўлган меҳр-муҳаббати чиндан ҳам чексиз. У юртимизга тез-тез ташриф буюради, халқаро анжуманларда қатнашади, қаламкаш дўстлари билан ижодий суҳбатлар қуради.

Ўзбекистонда содир бўлаётган бугунги ўзгаришлардан худди шу эл фарзандидай фахрланади. Ўзбекистоннинг халқаро майдонда оғу-этибори охиб бораётганидан мамнунлик изхор қилади. Адиб дўстлари билан ижодий мулоқотлари қадим Туркистоннинг бой ўтмиши, бугунги ва нури эртасига бағишланади.

Президентимиз Ислам Каримовнинг Туркистон бирлиги госясини биринчи бўлиб қувватлаган ҳам Чингиз Айтматов бўлди. Шу мавзуда пойтахтимиз Тошкентда бўлиб ўтган Марказий Осиё давлатлари зейбларининг таъсис курултойида Айтматов маънавий бирлик зарурятини қатъий ҳимоя қилди, маънавий бирлик — янги тарихий шароитда миллий юксалиш ва тараққиётга элтувчи ягона тўғри йўл эканлигини гоё куюнқалк билан изохлаб берди.

Чингиз Айтматов — замонамизнинг улғу адиби. Унинг асарларини ўқимган китобхонни топиш қийин. Ёзувчининг ижоди адабиёт ихлосмандлари билан бир қаторда бошқа касб эгаларини ҳам оҳанрабодек ҳақида тортади. Бунинг боиси шуки, Айтматов каламига мансуб бадиий асарлар, публицистик мақолаларда даврининг ўта муҳим, бошқалар айтишга, кўтаришга журъат эта олмаётган муаммолари тадқиқ этилади. Адиб ҳамиша халқнинг тилида ва дилида турган, пишиб етилган, айтилмас бўлмайдиган гапларни топади ва катта ижодий, граждонлик жасорати билан жамоатчилик муҳокамасига ташлайди. Ва албатта, унинг ҳар бир чиқишида аниқ ижодий, ижтимоий позиция, тиник нуқтаи назар бўлади. Айтматов ҳар қандай ҳолатда ҳам баҳсга киришишдан чўчимади, кимларнидир таёёр хулосалари ёки нуқтаи назарига суйнамайди. У ҳамиша ўз гапини айтади, айтаганда ҳам айтматовчасига, дангал ва ошқорайтади.

Таъбир жоиз бўлса, Чингиз Айтматов ижоди — тўғри йўлга тушишга интилаётган, аммо уни тополмай қийналаётган миллион-миллион одамлар учун ловуллаб ёниб, инсоннинг инсондай яшаши учун йўл кўрсатаётган машаълга ўхшади. Бу машаъл яна кўп замонлар ёғду сочишини чин дилдан истаймиз...

Аҳмаджон МЕЛИБОВ, Зухриддин ИСОМИДИНОВ

Спорт

(Давоми. Боши 1-бетда.)

— Бахслар ниҳоятда қизгин ва муросасиз кечди, — дейди жаҳон чемпионати олтин медали совриндори Фахриддин Умаров. — Фахрийлар ўртасида биттадан олтин ва кумуш медалларини кўлга киритган бўлсак,

ТАЭКВОНДОЧИЛАР ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИДА

ёшлар терма жамоамиз чин маънода маҳорат кўрсатишди. Умумжамоа ҳисобида эришилган юқори натижада ҳам уларнинг ҳиссалари катта бўлди. Бу эса республикамизда таэквондонинг жадал ривожланаётганлиги, иқтидорли ёшларнинг ҳар томонлама

кўллаб-қувватланаётганлиги самарасидир. Малайзияда голиблар шарафига мадҳиялар жаранглади. Эътиборли жиҳати, бизнинг галабамиз эвазига байроғимиз кўтарилганда барча таэквондочиларимиз қўларини кўксиларига қўйиб, Ўзбекистон мадҳиясини ба-

ралла жўр бўлиб қуйлашди. Ваҳоланки, чемпионат якунида бирор мамлакат вакиллари бундай қилишмаганди. Мусобақа иштирокчилари бизнинг аҳиллигимиз ва дўстлигимизга ҳавас билан қараши.

(Ўз муҳбиримиз)

ФИНАЛЧИЛАР МАЪЛУМ

XIII Осиё чемпионатининг ярим финал бахслари футбол муҳлисисларига янада ҳажжонли дақиқаларни ҳада этди. Дастлаб Бахрайн ва Япония терма жамоалари майдонга чиқиди.

Учрашувнинг асосий вақти 3:3 ҳисоби билан якунланди. Қўшимча ўн беш дақиқалик таймда японлар киритган гол қўнқарар мамлакат вакиллари галаба келтирди.

Хитой ва Эрон терма жамоалари учрашу-

ви ҳам кескин ҳужумларга бой бўлса-да, дуранг натижа қайд этилди — 1:1. Қўшимча икки таймда ҳам ҳисоб ўзгармай қолди. Пенальтилар сериясида эса 4:3 ҳисобида мезбонлар муваффақият қозонди.

Шундай қилиб, эртага Бахрайн ва Эрон терма жамоалари учинчи ўрин учун майдонга тушади. Финалда Хитой ва Япония терма жамоалари 7 август кунини рўбарў бўлишади.

Анвар САМАДОВ


Германиянинг Штутгарт шаҳрида профессионал боксининг ўта оғир вазн тоифасида навбатдаги жанглар ўтказилди. Унда Руслан Чагаев (Ўзбекистон) — Гэринг Лейн (АҚШ), Тарас Бидменко (Украина) — Даниэл Франк (Бразилия), Александр Ди-

ЎН ИККИНЧИ ГАЛАБА

митренко (Украина) — Жулис Френсис (Буюк Британия)лар ўзаро куч синашдилар. Утган йилнинг ноябрь ойидан буён Universum Box спорт клубида шартнома асосида фаолият кўрсатиб келаётган ҳамюртимиз мазкур учрашувгача ўн битта жанг ўтказиб, уларнинг барчасида зафар қўчганди. Профессионал рингда ҳозиргача бирорта ҳам учрашувда енгилмаган Руслан Чагаев муҳлис ва мутахассисларнинг «Оқ Тайсон», деган эътирофига сазовор бўлди.

Кунини кеча боксчимиз Германияда уюштирилган ўн иккинчи жангини ҳам муваффақиятли якунлади. Боксчимизга нисбатан тажрибаси ва ёши анча катта бўлган америкалик Гэринг Лейн Русланин зарбаларига беш раунд чидаб берди, холос. Рақибини нокаутга учратган Р. Чагаев ушбу галабадан сўнг ўта оғир вазнли боксчилар таснифида олтимиш саккизинчи поғонага кўтарилди.

УМУМАРМИЯ ЎЙИНЛАРИ ЯКУНЛАНДИ



Биринчи Умумармия ўйинлари ҳақида сўз юритганда, энг аввало, бу мусобақанин ҳарбийлари янада чинқитириб тоблаши, уларни катта спортга жалб этишдаги аҳамиятини апоҳида таъкидлаш жоиз. Ўн кун давомида ҳарбий округлар,

ҳарбий олий билим юртлири, қўшин турлари жамоалари кураш, офицерлар учкураши, ҳарбий-спорт кўкураши, енгил атлетика кросси, қўл жанги, футбол каби спорт турлари бўйича ўз маҳоратларини намойиш этдилар.

Мусобақалар якуни бўйича умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни Самарқанд олий ҳарбий автомобиль кўмондонлик-муҳандислик билим юрти вакиллари кўлга киритди. Иккинчи ўринни Чирчиқ олий танк кўмондонлик-муҳандислик билим юрти жамоаси эгаллади. Тошкент олий умумқўшин кўмондонлик билим юрти жамоасига учинчи ўрин насиб этди.

Равашон ШОДИЕВ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ КЎМИТАСИ СОЛИҚ АКАДЕМИЯСИ

2004-2005 ўқув йили учун «Солиқлар ва солиққа тортиш» мутахассислиги бўйича магистратурага қабул таъломини эълон қилади

МАГИСТРАТУРАДА ЎҚИШ

- «Солиқлар ва солиққа тортиш» мутахассислиги;
• «Давлат солиқлари ва йиғимлари» мутахассислиги бўйича олиб борилади.
Магистратурага бакалавриятни тугатган, бакалавр даражасига ва дипломли мутахассис ма-лакасига эга бўлган, солиқ идораларида камидан икки йил ишлаган фуқаролар танлов йўли билан қабул қилинади.

- Магистратурада таъсил олишни хоҳловчилар қўйидаги ҳужжатларни топиширишлари лозим:
— мутахассислиги кўрсатилган ҳолда ректор номига ариза;
— солиқ идоралари раҳбарларининг тавсия-йўлланмалари;
— олий маълумот тўғрисидаги ҳужжатнинг (иловаси билан) асл нусхаси;
— ходимларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа;
— меҳнат дафтарчасидан кўчирма;
— 086-У шакли бўйича маълумотнома;
— 3х4 (бош кийимсиз) ўлчамдаги 6 дона фотосурат.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги ҳақидаги паспорт ҳамда ҳарбий хизматга алоқадорлиги тўғрисидаги ҳужжат шахсан кўрсатилади.

ҲУЖЖАТЛАР 2004 ЙИЛ 5 АВГУСТГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ

Магистратурага кирувчилар қўйидаги фанлардан имтиҳон синовлари топиширилади:

- ** Фан ва ихтисосликларнинг муайян билимлари блоқи бўйича: иқтисодий асослари, молия ва кредит, бухгалтерия ҳисоби, солиқ ҳуқуқи, солиқлар ва солиққа тортиш.
** Демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти.
** Хорижий тиллар (суҳбат).

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент шаҳри, Ак-мал Икромов тумани, Собир Юсупов кўчаси 1-уй, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси Солиқ академияси.

МАЪЛУМОТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР: 75-56-92, 74-19-98, 117-44-88.

«УЧКЎРҒОН ЁҒ» ОАЖ АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Наманган вилояти Учкўрғон шаҳридаги «Учкўрғон ёғ» ОАЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши 2004 йил 8 сентябрь кунини соат 13.00 да жамият клуби биносидида бўлиб ўтади.

Рўйхатга олиш 2004 йил 8 сентябрь соат 10.00 да бошланади.

Кун тартиби:

- 1. «Учкўрғон ёғ» ОАЖ Кузатув кенгашини қайта сайлаш.
2. Турли масалалар.

Манзил: Наманган вилояти, Учкўрғон шаҳар, Қурбоналиев кўчаси, 2-уй.

KIMOSHDI SAVDOLARI AGENTLIGI VA «RESPUBLIKA KO'CHMAS MULK BIRJASINING TOSHKENT BO'LIMI»

масъулияти чекланган жамияти

Харидорларни кимощди савдоларига таклиф қилади.

2004 йил 6, 10, 13, 17, 20, 24, 27, 31 август кунлари кимощди савдоларига қўйидаги ер майдонлари қўйидаги:
Тошкент шаҳар, Сирғали тумани, лойиҳадаги Г-64,0 м ва Г-38,0 м кўчаларида жойлашган, ҳар бирининг сатхи 0,04 га. бўлган 21 та ер майдони
Хар бирининг бошланғич нархи — 512 000 сўм.
Тошкент шаҳар, Сирғали тумани, «Курючи» мавзесидида жойлашган, ҳар бирининг сатхи 0,04 га. бўлган 12 та ер майдони.
Хар бирининг бошланғич нархи — 1 153 600 сўм.
Тошкент шаҳар, Сирғали тумани, «Курючи» мавзесидида жойлашган, сатхи 0,02 га. бўлган 1 та ер майдони.
Бошланғич нархи — 576 800 сўм.
Тошкент шаҳар, Сирғали тумани, «Спутник» даҳасида жойлашган уй-жой бинолари орасидаги буши ётаган ва ётаган уйларининг пойдеворлари эгаллаб турган, ҳар бирининг сатхи 0,03 гектар бўлган қўйидаги ер майдонлари:
Спутник-1 мавзеси, 58- ва 61-уйлар орасидаги;
Спутник-9 мавзеси, 11- ва 12-уйлар орасидаги;
Спутник-9 мавзеси, 7- ва 8-уйлар орасидаги;
Спутник-9 мавзеси, 31-уй ёнида;
Спутник-9 мавзеси, 47-уй ёнида;
Спутник-1 мавзеси, 60-уй;
Спутник-2 мавзеси, 51-уй;
Хар бирининг бошланғич нархи — 428 400 сўм.
Кимощди савдоларига қўйидаги ер майдонлари учун арзаалар қабул қилиш савдодан уч кун аввал тўхта-тилади.
Кимощди савдолари 11.00 да бошланади.
Савдолар ўтказиладиган мавзела: Тошкент ш., Миробод тумани, Мовароуннахр, 16-а.
Савдоларда қатнашиш учун объект нархидан 10% миқдорда закалат пули тўланади.
Мурожаат учун мавзела: Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, А.Қодирий кўчаси, 13-уй.
Телефонлар: 144-44-73, 144-71-78, 144-92-30.
Хизматлар лицензияланган

ЎЗБЕКИСТОН — ТУРКИЯ «ИПАК ЙЎЛИ ТУРИЗМ ИНВЕСТ»

ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ҚЎШМА КОРХОНАСИ ТОШКЕНТДАГИ ОМБОРХОНАДАН

«Firat Plastik» (Туркия) фирмасининг айланаси 20 дан 63 мм.гача бўлган совуқ ва иссиқ сув, иситиш тизими учун полипропилен трубаларни (PPRC 3-тин) ва турли хил фитингларни сотади.
Маълумот сорицикуматланган.
Телефонлар: 134-78-49, 134-01-01, 176-81-63
факс: 134-78-49. Email: jvsilkroad@inbox.ru

Table with multiple sections: BOSH MUHARRIR: Safar OSTONOV; TAHRIR HAY'ATI: Abdulla ORIPOV, Asliddin RUSTAMOV, Azimjon AYUPOV, Ashur QODIROV, Bobir ALIMOV, Habib SA'DULLA, Norbobo SHAKAROV; MUASSIS: O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI; BO'LIMLAR: Siyosat, partiya va xalqaro hayot; Ma'naviyat va ma'rifot; Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot; Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik; Xatlar va omamviy ishlar; VILOYAT MUXBIRLARI: Andijonda, Buxoroda, Gulistonda, Jizzaxda, Navoiyda, Namanganda, Nukusda, Samarqandda, Urganchda, Farg'onada, Termizda; MANZILIMIZ: 700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY; Sahifalovchi-dasturchilar: Ikromjon ISMOILOV, Etyor UBAYDULLAYEV; Sahifa nashriyat-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bo'shaxonasida chop etiladi.